Шавкатжон ХАЛИЛОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистранти

ИФТИХОРИДДИН БУХОРИЙ – ЕТУК ФАҚИҲ АЛЛОМА

Икки дарё оралиғида жойлашган диёр – Мовароуннаҳр дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган кўплаб муҳаддислар, муфассирлар, фақиҳлар, буюк олим-у, уламоларга бешик тебратган табаррук она заминдир.

Муқаддас ислом дини кириб келиб, мустаҳкам томир ёйган кезлардан, то ислом уйғониш даврининг сўнгги асрига қадар юртимиздан диний ва дунёвий соҳаларда пешқадам бўлган қомусий алломалар ҳамда етук уламолар етишиб чиқдилар. Уларнинг ҳар бири ўз соҳаларининг билимдони бўлибгина қолмай, фаннинг турли жабҳаларида бутун дунё ҳавас қилса арзигулик, илмий мерос қолдирганлар. Бу эса, ўлкамиз маънавий муҳити нечоғлик юксак бўлганидан далолат беради.

Ифтихориддин Бухорий ҳам ана шу забардаст авлод вакилларидан эди. У кишининг тўлиқ исми Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдуррашид ибн Ҳусайн Ифтихориддин Бухорий бўлиб, Бухорода фақиҳлар оиласида дунёга келган. Шу боис, “Бухорий” нисбасини олганлар. Ифтихориддин Бухорий 1090 – 1147 йилларда (482 – 542 ҳ.) яшаган. Бу зот яшаб, ижод қилган даврда Мовароуннаҳрда Қорахонийлар ҳукмронлик қиларди. Айнан шу босқич илк ислом уйғониш даври (IX – XII асрлар)ни ўз ичига олади.

Шу ўринда, қорахонийлар тарихига ҳам қисқача тўхталиб ўтишни жоиз билдик. Қорахонийлар туркий қавмлар эканлиги аниқ бўлса-да, уларнинг келиб чиқиши ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди. Аммо, улар ўз сулолаларини “Афросиёб авлоди”, деб атаганлари ҳамда қорахонийлар чиғиллар ёки қарлуқлар қавмига мансублиги ҳақидаги нуқтаи назар ўрта асрлар даври тарихининг кўпчилик тадқиқотчилари томонидаги эътироф этилади.

Дарҳақиқат, X асрнинг иккинчи ярмига келиб, ички зиддиятларнинг кўпайиши туфайли Сомонийлар давлати кучсизлана бошлаган эди. Сомонийларга тобе ҳудудларда, айниқса, Хуросонда ҳокимиятга қарши кўтарилган исёнлар, тожу-тахт учун узлуксиз олиб борилган курашлар, Сомонийлар давлатининг инқирозини яқинлаштирганди. Бундай вазиятдан Еттисув ва Қашғарда яшовчи туркий қабилалар унумли фойдаланган. X асрнинг иккинчи ярмига келиб, бу ҳудудлардаги туркий қабилалар – қарлуқлар, чиғиллар, яғмолар ўзларининг кучли феодал давлатларини тузишга муваффақ бўлдилар.

Қорахонийлардан биринчи бўлиб исломни қабул қилган ва Абдулкарим номини олган ҳукмдор Ҳорун (Ҳасан) Буғрахон ҳисобланади. Айрим ёзма манбаларда, Буғрахон ат-Туркий, – деб ҳам номланади. Ибн ал-Асир ўзининг “Китоб ал-камил фи-тарих” асарида маълумот беришича, Қашғар, Баласоғундан то Чин (Хитой) чегарасигача бўлган ерлар Буғрахон ат-Туркий ҳукмронлиги остида бўлган.

Қорахонийлар бутун Тянь-Шань ҳамда Еттисувни эгаллаганидан сўнг, Сомонийлар

давлати таркибига бўлган Мовароуннаҳрга ҳарбий юришларни бошлайдилар. Тез орада Фарғона ва Исфижоб (Сайрам)ни босиб олишга эришадилар. 990 – 992 йилларда Ҳорун Буғрахон Сомонийларга тегишли бўлган Ўрта Осиёдаги мулкларнинг каттагина қисмини босиб олди. 992 – 993 йилларда эса Самарқанд ва Бухорони эгаллайди.

Манбаларнинг маълумот беришича, Ҳорун Буғрахон Самарқанд ва Бухорони эгаллагач, касаллиги туфайли урушни давом эттиролмасдан Қашғарга қайтишни ихтиёр этади. Лекин йўлда Қўчқорбоши, – деган жойда 993 йилда вафот этади. Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрга ҳукмронлиги 200 йилга яқин давом этади.

Ўша кезларда қорахонийлар ва уларга туташ ҳудудларда ҳукмрон бўлган барча сулолалар ислом шариати асосларига таянган ҳолда ҳанафий мазҳаби кўрсатмалари асосида давлат бошқарувини амалга оширишган. Чунки Мовароуннаҳр ва Хуросонда аҳли сунна вал-жамоанинг ҳанафийлик йўналиши кенг ёйилган эди.

Ифтихориддин Бухорийнинг ота-боболари ҳам ҳанафийлик фиқҳида кўзга кўринган фуқаҳолардан саналганлар. Оталари Аҳмад ибн Абдуррашид уламолар томонидан “Қовамуддин”, (Диннинг қуввати) дея эътироф этилган. Илк таҳсилни оталаридан, оталари эса боболари Абдуррашид ибн Ҳусайндан олганлар. Шунингдек, етук фақиҳ Ҳаммод ибн Иброҳим Саффордан ҳам таълим олганлар.

Шу тариқа Ифтихориддин Бухорий ўз замонасида бемисл, ҳанафийлик фиқҳининг энг кўзга кўринган намоёндаси сифатида камолга етдилар. Аллома ҳанафийлик фиқҳига оид “Хизонатул воқеъот” ва “Китабун нисоб” номли йирик асарларни тасниф этган. Қолаверса, бу икки асарнинг мухтасари (қисқартирма шакли) сифатида фатвога оид “Хулосотул фатаво” асарини ҳам ёзганлар. Мусанниф асар муқаддимасида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади:

“Мен ушбу фанда, яъни, фиқҳда икки нусха китоб таълиф этдим. Уларнинг бири, “Хизанатул воқэъот”, иккинчиси эса “Китобун нисоб”, деб номланади. Кейинчалик баъзи дўстларим ёдлашликка ва таҳсил учун енгил бўлган қисқача бир нусха ёзмоқлигимни илтимос қилдилар. Шундан сўнг, мен барча масалаларни ўзида мужассам этган мана шу китоб, “Хулосотул Фатаво”ни ёзишга киришдим. Ундаги ҳар бир китобнинг аввалига, фасллар ва жинслар келтирдимки, кимдаким фатвога эҳтиёж сезса, унга осон бўлсин, – деган мақсадда. Бу каби хайриятли ишга қўл урмоғим Азиз ва Ваҳҳоб бўлган Зот Аллоҳ таолодан савоб умидидалигим боисидандир”.

Ушбу мўътабар асар ўз замонасидан, то бугунги кунимизга қадар ҳанафийлик мазҳаби фиқҳини ёритишда таянч манба вазифасини бажариб келмоқда. Асар жами тўрт жуз бўлиб, биринчи жуз олти китобни, иккинчи ва учинчи жузлар уч китобни, тўртинчи жуз эса қирқ китобни ўз ичига олади. Демак, асарда жами бўлиб, 52 китоб (мавзу) жамланган. Бу манба бошқа фиқҳий асарлардан фарқли равишда “Таҳорат китоби” билан бошланиб, “Шуфъа китоби”да якунланади. Кўплаб муфаққиҳ олимлар ўз рисола ва китобларини баён этишда айнан, “Хулосатул фатаво”га бевосита мурожат қилганлар. Чунки асарда мазҳаб ичидаги хулосавий фатво берилган масалалар ўрин эгаллайди.

Бу китобга кейинчалик ўз даврининг етук уламоси Абдулҳай Лакнавий “Мажмуатул фатаво” номли икки томлик ҳошия битади.

Ифтихориддин Бухорий 542 ҳижрий, 1147 милодий сана жумадул аввал ойида, 61 ёшида Сарахс шаҳрида вафот этади. Кейин бу киши Бухорога олиб келинади ва шу ерга дафн этилади.